

РАҲИМБОБО МАШРАБ ИЖОДИ ТАДҚИҚИНИНГ ЯНГИ САҲИФАЛАРИ

Умиджон Яндашалиевич ҚЎЗИЕВ

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Наманган давлат университети
Наманган, Ўзбекистон
fellow-257@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада Раҳимбобо Машраб, унинг ўзбек тили, ўзбек адабиёти ва ўзбек халқи маданияти шаклланишидаги ўрни ёритилади. XX асрдан бошлаб Машраб ижодини ўрганиш бўйича бажарилган ишлар атрофлича таҳлил қилинади. Замонавий машрабшунослик муаммолари ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Раҳимбобо Машраб, машрабшунослик, қаландар, тасаввуф, лисоний хусусиятлар.

НОВЫЕ СТРАНИЦЫ ИССЛЕДОВАНИЙ О ТВОРЧЕСТВА РАХИМБОБО МАШРАБА

Умиджон Яндашалиевич КУЗИЕВ

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам
Наманганский государственный университет
Наманган, Узбекистан
fellow-257@mail.ru

Аннотация

В данной статье рассматривается личность Рахимбобо Машраба, его роль в формировании языка, литературы и культуры узбекского народа. Подробно проанализирована работа, проделанная с XX века по изучению творчества Машраба. Обсуждаются проблемы современного научного тренда по изучении Машраба.

Ключевые слова: Рахимбобо Машраб, машрабоведение, қаландар, тасаввуф (мистицизм), лингвистические особенности.

Ўзбек адабиёти, маданияти, мусиқасини, ўзбек тили ривожини Раҳимбобо Машрабдек зот иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайдди. Ҳазрат Навоидан кейин миллий менталитет, дунёқараш ва адабий тилни Яссавий хурмосидек асраш вазифасини Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан сўнг давом эттирган Раҳимбобо Машраб ҳаёти, дунёқарашини, ижоди, илмий-фалсафий меросини доимий тадқиқотларга муҳтож бўлиб келган.

Раҳимбобо Машрабнинг ҳаёт йўли – турли мубоҳаса ва муноқашалар оҳанрабои; ижоди, тафаккур тарзи, сўфиёна қарашлари кўплаб тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда. XVII-XVIII асрга баҳо берувчи қандай тарихий, адабий, илмий манба бўлмасин, шоир номи ва ижодининг халқ орасидаги таъсирини баҳолашга мажбур. Ўрта Осиё тарихини ёзишга чоғланган Ҳерман Вамбери, Ликошин, Наливкин каби олимлар Машраб ижодининг миллий маданиятга таъсири юқорилигини кўрсатиб кетган. Тарихий-маданий жиҳатдан шоир ҳаёти ўз даври ижтимоий-сиёсий муаммоларининг бир ечими сифатида кўрилади. Хонлиқлар ўртасидаги ўзаро тарқоқлик, сиёсий бўлинишлар, маънавий-маърифий таназзул натижаларини Раҳимбобо Машрабдек иқтидор соҳиблари ҳаёт йўлидан ҳам билиш мумкин.

Шоир ғазаллари – адабий, мусиқий давраларнинг гултожи. Шеърлари халқ қўшиқларига айланиб кетган. “Ўткан кунлар”даги “ҳайдалиш куйи” ҳам бежиз танланмаган. Бу куйлар ҳар қандай туркий тилда куйланса ярашаверади, ўзиникидай янграйверади.

Тақдири – ноёб умр йўли ва ғаройиб интиҳо, уни ўрганиш учун Хитой, Ўзбекистон, Афғон заминларини кезиб чиқиш керак. У маза олган зиёларни, булоқларни қайта кашф этиш лозим. Сўзи – қиличдай кескир, тоғ асалидек қалб қозонини-да қайнатиб куйдирувчи, куйга солинганда эса тош қалбларни мумдай эритади. Такаллуми – халқонаю, хосларга хос – ёшу катта, оқилу оми бирдек титрайди.

Номи – латифаю талмеҳлар, ташбеҳлар мояси. XIX асрга қадар Насриддин Афанди образи ўрнида латифаларда Машраб исми кўп ишлатилган. Унинг кескир сўзли эканлиги, ҳақ сўзни айтишдан тоймаслиги мазкур образнинг асосий белгиларидир. Шоирлар ҳалигача илоҳий ишқ, ҳижрон каби мавзуларда Машраб номини Мажнун, Вомиқ, Тоҳир билан ёнма-ён ишлатадилар. Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф ижодининг айрим қирраларида Машрабга эргашиш, унга ҳавас кузатилади.

Раҳимбобо Машраб шухрати Хитой [5], Венгрия [2], [3], Туркия [7], [8], [9], [10], [11], [12], Олмону [13], Афғон [14]га қадар етган. Ҳерман Вамбери ўз хотираларида Мовароуннаҳр одамлари босиқлик, совуққонлик, камгаплик каби феъл-атворни кадрлашларини, ўз ҳиссиётларини юзага чиқаришни ёқтирмаслигини, бироқ Лутфий ёки Машраб байтларидан ўқилганида, кўзларидан ёш оқиб соқолларини ҳўллашини ёзади. Олмон олими Мартин Ҳартманн бу ҳудудлардан ўтар экан, халқ ўртасида Машраб ғазаллари кенг тарқалганини кўриб, уларни тўплашга ҳаракат қилади. Рус олими Н.С.Ликошинда ҳам шу ҳолат кузатилади.

Шўро даврида Раҳим бобо Машрабга илмий жиҳатдан илк диққат қаратган мутахассис Абдурауф Фитрат бўлиб, у Н.С.Ликошин, Вяткин каби рус олимлари асарларидан, шунингдек, ўша вақтдаги қўлёзма манбалар, маноқиблар – Малехо Самарқандийнинг “Музокир ул-асҳоб”, Хўжа Фаҳмийнинг “Мажмуайи Фаҳмий”, Саид Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих”, Мирзо Олим “Ансоб ус-салотин”, Мажзуб Намангонийнинг “Тазкират ул-авлиё” асарларидан шоир ҳақидаги илмий фикрларни ўрганиб чиқади. Фитрат Машраб шахси билан боғлиқ маълумотлар кўп ва чалкаш эканлиги, унинг ҳаёт йўлини ёритувчи кўплаб халқ ривоятлари мавжудлигини қайд этади. Машрабнинг туғилган жойи, сафар йўналишлари, маънавий қиёфаси, тасаввуфий қарашлари, қаландарлик мақоми кабилар “синфий” нуқтаи назардан очиб берилади [4].

Фитратдан бошланган адабий меросни ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар, сиёсий тузум қандай бўлмасин, Машраб дунёқарашига қандай баҳо берилмасин, ҳаргиз тўхтамаган. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида Раҳимбобо Машраб ижодини ўрганиш алоҳида паллага кирди. Жумладан, Исматуллоҳ Абдуллоҳ (Исматулла Абдуллаев)нинг бу борадаги изланишлари диққатга сазовор [1]. Исматулло Абдуллоҳнинг илмий ва публицистик мақолаларида Машраб ижодининг ғоявий, тасаввуфий жиҳатлари, шоир автобиографиясига оид муҳим илмий манбалар, фактларни йиғиш, эълон қилиш, илмий исботлаш каби жиҳатларига эътибор қаратди.

Шунингдек, Машраб қаламига мансуб деб баҳоланаётган “Мабдаи нур”, “Кимё” асарларининг табдили ва чоп этилиши айнан Исматуллоҳ Абдуллоҳ билан боғлиқ.

Адабиётшунос олим ва ёзувчилардан А.Абдуғафуров, Р.Воҳидов, А.Жаббор, Э.Мусурманов, Ж.Юсупов, Д.Ҳамроева, М.Хошимхонов, М.Зокирий, Ж.Абдусаттор, И.Ҳаққул, М.Тожихўжаевларнинг Раҳимбобо Машраб шахси ва тафаккур тарзини, бадий ва тасаввуфий қиймати борасида турли жабҳалардан олиб борган илмий изланишлари таҳсинга лойиқ. Наманган, Андижон, Самарқандда бу хазинани ўрганиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот мавзуси сифатида Раҳимбобо Машрабнинг дунёқараши, ҳаёт ва ижод йўли, бадий тасвир маҳорати, шоир шахси ва ижодининг хорижда ўрганилиши каби жабҳалар олинган. Демак, мавзу ҳали ҳам долзарб, ҳали ҳам қизиқ. Айтиш мумкинки, Раҳимбобо Машраб ижодининг тил хусусиятлари тадқиқи қониқарли даражада деб бўлмайди. Ҳазрат Бобурдан кейин ўзбек тилини ривожига қўшган ҳиссаси ҳурмати юзасидан шоир асарлари тилининг лексик-семантик, услубий, грамматик, шунингдек, лингвокультурологик, лингвостатистик таҳлилини амалга ошириш ҳозирда кўплаб тадқиқотчиларнинг саволларига жавоб топиб беради, деб ўйлаймиз.

Кейинги ўттиз йилда Раҳимбобо Машраб ғазаллари турли ҳолларда бир неча ўн марталаб нашр этилгани ҳам шоирнинг “Уни халқу замон йўқлар” кароматига мос келади. Самарқандда “Машраб”, Сурхондарёда “Шоҳ Машраб” жомеъ масжидларининг фаолият юритмоқда. Айниқса, бу мавзуда Туркияда бир қанча мутахассислар ҳам ўз изланишларини эълон қилиб бораётганлиги, Афғонистонда эса Машраб асарлари ҳануз чоп этилаётгани мавзунинг истиқболи порлоқ эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бироқ шу билан бирга шоир ижоди тўлиқ ўрганилмаганлиги кундек равшан бўлиб қолмоқда. Мавзу доирасидаги адабиётларни бир хонтахта устига қўйиб таснифлаш, тавсифлаш эҳтиёжи юзага келди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан “Эзгуликни куйлаган

шоир” методик-библиографик қўлланмаси, машрабшунос олимлар Э.Мусурмон, М.Ҳошимхоновларнинг бир қанча фойдали илмий монографиялари, М.Тожихўжаевнинг хориж адабиётлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлари мазкур адабиётларни жамлаш, уларни китоб ҳолида йиғиш ва ўрганишни тақозо қилмоқда.

Ҳозирги кунда Раҳимбобо Машраб ижодини ўрганиш, танқидий матнини тайёрлаш бўйича шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мирзо Кенжабек текстологик изланишлар олиб бораётганликларини қайд этиб ўтиш жоиз.

Адабиётларни ўрганиш жараёнида мавзунинг қуйидаги ҳолатлари долзарб эканлигини маълум бўлди: Машрабнинг эски ўзбек тили тараққиётига қўшган ҳиссаси; Машраб номи билан боғлиқ этнографизмлар, ўхшатишлар, талмеҳлар, латифаларнинг лисоний-маданий тадқиқи; Машраб каламига мансуб “Алифнома”ларнинг Ўзбекистондаги тадқиқи; Машраб ижодининг хориждаги (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Афғонистон) тадқиқи ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари; Машраб девони ва бошқа асарларининг текстологик-танқидий таҳлили; Раҳимбобо Машраб уй-музейи ҳамда кутубхонасини ташкил этилиши масалалари; Машраб халқаро жамғармасини ташкил этиш, асарлари қўлёзмаларини топиш ва қадамжойларини обод қилиш борасида экспедицияси ташкил этиш муаммоси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев, И. Машраб ва “Мабдаи нур” // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил 12 апрель. – № 15.

2. Мамашаева М.М., Гойиббоева Р.А Изучение наследие в Европе //Учёный XXI века, 2020: <https://cyberleninka.ru/article/n/izuchenie-naslediya-mashraba-v-evrope>

3. Мусурманов, Э. Махдуми Аъзам авлоди ёхуд Хитой императори Цяньлун армонига айланган Ипархон ҳақида // Зарафшон, 2013 йил 15 январ. – № 164.

4. Тожихўжаев М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши // Адабиёт кўзгуси, 2000. – №5.

5. Фитрат, Абдурауф. Машраб. Танланган асарлар. 2-жилд. Илмий асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 105 б.

6. Akasoy, Anna. Burnett, Charles. Islam and Tibet – Interactions along the Musk Routes. 1st Edition. – Published October 3, 2016 by Routledge 406 Pages

7. Aşkari, Mustafa (Tez Danışmanı), Kanabaev, Cemaldin (Yazar) Baba Rahim Meşreb'in kişiliği, şahsiyeti ve tasavvuf anlayışı – Ankara üniversitesi, sosyal bilimler enstitüsü, temel islam bilimleri (tasavvuf) anabilim dali, 2013.

8. Fidancı, Mahmut. Şah Meşreb Menakıb-nâmesi. Doktora Tezi. İstanbul: İstanbul Üniversitesi, 1994.

9. Gedik, Sadi. Son Dönem Çağatay Şairi Baba Rahim Meşreb'in Kitab-ı Mebde-i Nur Mesnevisi'nin Dil Özellikleri. Doktora Tezi. – Ankara: Gazi Üniversitesi, 2010.

10. Gedik, Sadi. Alici, Yusuf. Baba Rahim Mashrab's Elifnâmes. – International Journal of Social Science. Number: 65 , p. 123-140, Spring I 2018

11. Güleç, İsmail. “Meşreb'in Kitab-ı Mebde-i Nûr'u Mevlana'nın Mesnevî'sinin Şerhimidir?” / İlmî Araştırmalar Dil ve Edebiyat İncelemeleri. (16), 2003. 135–142.

12. Kavsar, Munire. Last Term Cagatai Poet Baba Rahim Meşreb's Verse Commentary of Fatha Surah (son dönem çağatay şairi Baba Rahim Meşreb'in manzum Fâtiha tefsiri // https://toplumbilimleri.com/?mod=makale_ing_ozet&makale_id=234

13. Hartmann, Martin. Meşreb, der weise Narr und fromme Ketzer. Ein zentralasiatisches Volksbuch, in: Der islamische Orient. Berichte und Forschungen, Bd. 5, 1902, 147–193.

14. Baba Rahim Mashrab Namangani. Attempt by Behroz Khaliqi. –
Afganistan:Pameer Prints, hijriy 1390.